



## ЭЛЕКТРОН БИТИМЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

**Санакулова Мадина Жамшид қизи**

Тошкент давлат юридик университети магистратура босқичи

“Халқаро тижорат” йўналиши талабаси

Gmail: sanakulovamadina16@gmail.com

Tel: +998993394722

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10208452>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-November 2023 yil

Ma'qullandi: 24-November 2023 yil

Nashr qilindi: 27-November 2023 yil

### KEY WORDS

*Электрон битим, электрон савдо майдончаси, онлайн-дўконлар, блокчейн, электрон шартнома, IT-технологиялар, битим, электрон хабар, электрон восита, электрон ҳужжат.*

### ABSTRACT

*Мақолада “рақамли иқтисодиёт” тушунчасининг таърифи ва уни ривожлантиришга оид турли ёндашувлар келтирилган. Рақамли иқтисодиётнинг бир қисми ҳисобланган электрон битимнинг моҳияти, таснифи ва электрон битимда битимлар қай тартибда тузилиши ҳақида сўз борган. Шунингдек, электрон битимлар ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.*

Сўнгги йилларда ахборот технологиялари ва глобал Интернет ривожланишининг сезиларли ўсиши инсон ҳаётининг турли соҳаларида янги йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Электрон битим ҳозирги вақтда Интернет жамиятнинг кундалик ҳаётига юқори тезлик билан кириб келди ва унинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Электрон битим тушунчаси жуда кенг бўлиб, унга кўпгина таърифлар берилган. Келтирилган таърифларнинг аксариятида интернет орқали амалга оширилган ҳар қандай савдога ёки транзакцияга электрон битим деб айтилади.

Электрон битим деганда компьютер тармоқлари ёрдамида амалга ошириладиган барча молиявий ва савдо операциялари ва бундай операциялар билан боғлиқ бизнес жараёнларини ўз ичига олган иқтисодиёт соҳаси тушунилади.

**Methods:** Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам электрон битимга қуйидагича таъриф берилган «Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси электрон битимдир»<sup>1</sup>. Электрон битим электрон тўловларни амалга ошириш,

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 19.02.2018 даги ПФ-5349 сонли фармони " (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan № PF-5349 dated 19.02.2018 "On measures to further improve the field of information technology and communications") <https://lex.uz/docs/-3564970>

мижозлар ва етказиб берувчиларни қидириш, реклама тарқатиш, интернет иловалари орқали товарларни сотиб олиш ва сотиш каби кўплаб бизнес операцияларни бажаришга имкон беради.

Электрон битимнинг афзалликлари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

- вақт ва меҳнат харажатлари билан боғлиқ транзакция харажатларининг камайиши;
- харидор ўзига қулай вақт, жой ва тезликда маҳсулотни танлаш ва сотиб олиш имкониятига эга бўлиши;
- савдо-сотиқ фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллель равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти;
- кўп сонли харидорларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта фирмаларга мурожаат қила олиш имконияти;
- керакли маҳсулотларни тезликда излаб топиш ва ушбу маҳсулотлар мавжуд бўлган корхоналарга мурожаат қилишда техника ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш имконияти;
- харидорнинг яшаш жойи, соғлиғи ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли маҳсулот сотиб олиш имконияти;
- ҳозирги кундаги мавжуд жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни танлаш ва сотиш имконияти;
- электрон битимда савдони ташкил қилиш корхоналарнинг рақобатини кучайтиради, монополиядан чиқаради ва маҳсулотларнинг сифатини ошириш имкониятини беради.

Электрон битим- бу онлайн сотиб олиш ва сотиш жараёни. Бу маблағлар ва маълумотлар электрон тармоқ орқали узатиладиган бизнес битими. Шундай қилиб, жисмоний ва рақамли маҳсулотларнинг барча турларини сотиш ва хизматлар битимнинг икки иштирокчиси ўртасида ташкил этилади. Ушбу иштирокчиларга қараб, электрон битим бир неча турдаги битимларни ўз ичига олади: Бизнес учун бизнес (Б2Б) ; Мижозга харидор (С2С)

Электрон битим компаниялар ва шахсларга ушбу улкан бозорга қўшилишга ва ҳар икки томон учун ҳам катта афзалликларга эга бўлган савдо моделидан фойдаланган ҳолда ўз бизнесларини ривожлантиришга имкон берди. Ушбу бизнес моделининг асосий фойдаси қулайликдир. Электрон битим ҳар доим ишлайди, кунига 24 соат, ҳафтанинг етти куни. Бу шуни англатадики, харидорлар иш соатлари, жойлашувга қандай этиб бориш ва шунга ўхшаш нарсаларни ўйламасдан, маҳсулотни қулай деб топганда олишлари мумкин.

**Натижа:** Электрон битимнинг объектлари ва субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқлаштирилди, битимларни амалга ошириш ва уларнинг ижросини таъминлаш механизмлари белгиланди, электрон савдо майдончаларига ва электрон шартномага талаблар, товарларни етказиш ва тўловларни амалга ошириш масалалари, шартнома шартларини бажаришни рад этиш тартиби ҳамда электрон битимда экспортни амалга ошириш хусусиятлари белгиланиб берилди.

Электрон битимда битимлар ихтиёрий асосда тузилади. Электрон битим шартлари томонларнинг хоҳишига кўра белгиланади, электрон битимда шартнома тарофлар ўртасида шартнома

шартларини электрон ҳужжатлар ва хабарларни тасдиқлаш йўли билан келишиш орқали электрон ҳужжат шаклида расмийлаштирилади. Электрон битимда сотувчилар қуйидагилардан иборат:

Электрон савдо майдончасида товарларни (ишларни ва хизматларни) чакана ёки улгуржи сотиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар ва яккатартибдаги тадбиркорлар;

Электрон савдо майдончасида товарларни (ишларни, хизматларни) чакана сотиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ўзини ўзи банд қилган шахслардан иборат.

Мазкур соҳада тўловлар нақд пул маблағлари билан; пул маблағларини банк ҳисобварағидан ўтказиш орқали; электрон пуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

Савдо майдончаларининг операторлари, тўлов хизматларини етказиб берувчилар ва товарларни етказиб бериш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар ўз ахборот тизимларига ёки банк ҳисоб рақамларига «эскроу» хизматини жорий этиши мумкин.

Товарлар учун харидор томонидан тўловни амалга ошириш чоғида «эскроу» хизматини кўрсатувчи тўланган пул маблағларини харидор товарлар олинганлигининг тасдиғи олингунига қадар сақлаш ҳуқуқига эга.<sup>2</sup>

Агар товар етказиб берилмаса ёки тавсифга мос келмаса, «эскроу» хизматини кўрсатувчи пул маблағларини харидорга қайтаради. Агар товар харидор томонидан қабул қилинган бўлса, пул маблағлари сотувчининг ҳисобварағига ўтказилади.

Маълумот учун, эскроу хизмати бу молиявий битим бўлиб, унда учинчи томон келишувда қатнашувчи икки томон учун зарур бўлган тўлов маблағлари, келишув тўлиқ амалга ошгунига қадар, ўзида сақлаш ва бошқаришни ўз зиммасига олади.

Бу ўз навбатида маблағларни шартли сақлаш ҳисоб рақамида ушлаб туриш орқали, келишувни янада хавфсиз бўлишига имкон яратади. Тўлов ишончли компаниянинг назорати остида фақат шартноманинг барча шартлари бажарилганда очиладиган хавфсиз ҳисоб рақамда сақланади.

Қуйидагилар электрон битимнинг асосий принциплари ҳисобланади:

- ✓ электрон битимда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш эркинлиги;
- ✓ электрон битимда битимлар тузишнинг ихтиёрийлиги;
- ✓ электрон битимда иштирок этиш шароитларининг тенглиги;
- ✓ электрон битим субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимояқилиш; ҳужжатларни, шу жумладан электрон ҳужжатларни (хабарларни) бирхиллаштириш;
- ✓ ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- ✓ товарларнинг (ишлар ва хизматлар), тегишли сифатини таъминлаш;
- ✓ электрон битим соҳасидаги очиқлик, шаффофлик ва аниқлик шулар жумласидандир.

Электрон савдо майдончаси - бу ташкилий, ахборот ва техник қарорларнинг дастурий-аппарат мажмуи, шу жумладан товарларни (ишларни, хизматларни) сотиш

<sup>2</sup>Nodir Jumayev O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi deputati nutqi (Speech by Nodir Jumayev, Deputy of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan)

учун ахборот тизими орқали сотувчи ва харидорнинг (буюртмачининг) ўзаро хамкорлигини таъминлайдиган интернет-дўкони деб белгиланган;

Электрон хабар - бу ахборотни жўнатувчини идентификациялаш имконин берувчи электрон шаклда қайд этилган ахборот деб белгиланган;

Электрон восита - бу электрон шаклда ахборотни қайта ишлаш, сақлаш ва уни айирбошлашга мўлжалланган компьютер ва (ёки) бошқа техник асбоб, шунингдек телекоммуникациялар тармоғи деб белгиланган;

Электрон шатнома - бу товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси учун ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда сотувчи ва харидор ўртасида тузиладиган шартнома деб белгиланган;

Электрон ҳужжат - бу электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо била тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификациялаш имконини берадиган бошқа реквизитларга эга бўлган ахборот.

**Диссуссион:** “Электрон тижорат тўғрисида”<sup>3</sup>ги қонуннинг 9-моддасига биноан электрон ҳужжатлар ва электрон шаклда қайд этилган маълумотлар, уларнинг электрон манзилини (электрон хабарлар деб аталадиган) аниқлашга имкон беради, қоғозга асосланган ҳужжатлар билан юридик кучда тенг деб тан олинади, шунингдек: имзоланган ва битимлар далили сифатида ишлатилиши мумкин. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг амалдаги қонунларида УНСИТРАЛ ҳужжатларида бўлгани каби, электрон битим доирасидаги қоғоз ҳужжатлар ва электрон хабарлар ўртасидаги тенглик белгилаб қўйилган.

Электрон битим замонавий иқтисодиётда жуда юқори темп билан ривожланаётган соҳалардан биридир. Унга бирор-бир компаниянинг рақамли технологиялар ва улар берадиган имтиёзларга асосланган, фойда келтирадиган фаолияти сифатида қаралади. Янги битим муҳитига жалб қилинган харидорлар маълум имкониятлар ва имтиёзларга эга бўладилар. Ташкилотлар олдида турган вазифалар ахборот-коммуникация технологиялар имкониятларидан фойдаланган ҳолда анча тез ва энг кам харажат билан ҳал этилмоқда.<sup>4</sup>

Электрон битимни ривожлантириш имкониятларини баҳолаш учун нафақат Интернет тармоғига уланиш ва ташкилотларнинг замонавий компьютерлар билан техник жиҳозланиши, балки веб-сайт ва электрон почта манзилининг мавжудлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Ташкилотнинг шахсий веб-сайти электрон иқтисодий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқа имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради:

- сайт ташкилот фаолияти билан боғлиқ фойдали маълумотларни эълон қилади: таҳлил ва бозор янгиликлари, статистик тадқиқотлар, тенденциялар, мижозлар билан мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари, бунинг назарий ва амалий асослари;

- бизнес, ташкилот янгиликлари жойлаштирилади;

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 19.02.2018 даги ПФ-5349 сонли фармони (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan № PF-5349 dated 19.02.2018 "On measures to further improve the field of information technology and communications") <https://lex.uz/docs/-3564970>

<sup>4</sup><https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoyev-bu-ishlarni-kelgusi-2-3yilda-toliq-amalga-oshirmasak-har-bir-kechikkan> <http://fayllar.org>

– сайтга портфолио ёки маҳсулот тасвири жойлаштирилади. Истеъмолчи таклиф этилаётган товарларни кўради, бу эълон қилинган сифатни, хусусиятларини тасдиқлайди, компаниянинг профессионалигини кўрсатади;

– электрон шаклда ахборот савдоси ва бошқалар;

– сайт истеъмолчига компания билан алоқа ўрнатиш имкониятини беради.

#### **Хулоса:**

Рақамли иқтисодиёт деганда фақатгина Блокчейн (Блокчейн) технологиясини ва улардан халқаро молия бозорларида фойдаланиш масалаларини ёки криптовалюталарни тушуниш керак эмас. Албатта, Блокчейн технологияси, криптовалюталар ҳам рақамли иқтисодиётнинг бир бўлаги. Лекин рақамли иқтисодиёт деганда, рақамли коммуникациялар, IT ёрдамида олиб бориладиган иқтисодиёт тушунилади. Бунда, яширин иқтисодиётга барҳам бериш воситаси сифатида ҳам қараш мумкин. Чунки *биринчидан*, барча операциялар электрон рўйхатдан ўтилишига, *иккинчидан*, шаффоф бўлишига эришилади. Қолаверса, ишлаб чиқаришда янги IT технологиялар қўлланилиши туфайли маҳсулот ва хизматларнинг таннархи пасаяди. Электрон битим бу ҳар икки томон учун ҳам фойда келтирадиган безнис фаолият тури ҳисобланади.<sup>5</sup> Электрон битимда битимларни ҳар икки томон келишган ҳолда шартнома тузилади ва тузулган шартнома қоғоз шартнома билан тенглаштирилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 19.02.2018 йилдаги ПФ-5349 сонли фармони; " (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan № PF-5349 dated 19.02.2018 "On measures to further improve the field of information technology and communications") <https://lex.uz/docs/-3564970>

2.Nodir Jumayev O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi deputati nutqi (Speech by Nodir Jumayev, Deputy of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan);

3.<https://review.uz/uz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>.

4. <https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoyev-bu-ishlarni-kelgusi-2-3yilda-toliq-amalga-oshirmasak-har-bir-kechikkan> <http://fayllar.org>

<sup>5</sup><https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoyev-bu-ishlarni-kelgusi-2-3yilda-toliq-amalga-oshirmasak-har-bir-kechikkanhttp://fayllar.org>